

# Xabar

O'ZBEKISTON ALOQA VA AXBOROTLASHTIRISH AGENTLIGI NASHRI

1992 yil martdan chiqa boshlagan

2002 yil, 5 iyul № 27 (512)

Sotuvda narxi erkin

## ЎЗБЕКISTON RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHQAMASINING QARORI



**Х. М. МИРЗОХИДОВ**ни Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари — Алоқа ва ахборот-коммуникация технологиялари масалалари комплекси раҳ-

бари котибиятининг мудирини этиб тайинлаш тўғрисида Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

**Хуршид Мирсобирович МИРЗОХИДОВ** Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари — Алоқа ва ахборот-коммуникация технологиялари масалалари комплекси раҳбари котибиятининг мудирини этиб тайинлансин.

**Ўзбекистон Республикаси Бош вазири У. СУЛТОНОВ** Тошкент шаҳри, 2002 йил, 2 июл

## ТАЙИНЛАШ



Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги Бош директорининг буйругига кўра, **Шухрат Мухторович ОХУНЖОНОВ** Агентликнинг Компютер ва ахборот технологияларини ривожлантириш ҳамда жорий этиш маркази директори этиб тайинланди.

## "ЎЗДУНРОБИТА" GSM СТАНДАРТИНИ ЎЗЛАШТИРМОҚДА

"Ўздунробита" кўшма корхонаси мана ўн йилдирки хизмат сифатини ошириш учун янги тармоқларни ривожлантириб боришга ҳаракат қилаётир. Корхонанинг бу борадаги яна бир амалии иши Швециянинг машҳур "Эрикссон" компанияси билан шартнома имзолаганидир. Келишувга мувофиқ янги GSM стандарти тармоғи Тошкент шаҳри, Самарқанд ва Тошкент вилоятларида қурилиши мўлжалланмоқда. Бундан ташқари, шартномада республикамизнинг иккита йирик шаҳарлари учун мобил маркази коммуцияси, базали станциялар, радиореле тизимлари ва бошқа замонавий жиҳозлар келтирилиши кўзда

тутилган. Аини дамда жойларга асосий жиҳозлар келтирилди ва монтаж ишлари бошлаб юборилди. Ушбу ишлар шу йилнинг сентябр ойида тугатилиши керак. Шундай қилиб, "Ўздунробита" кўшма корхонаси янги босқич — GSM-1800 стандартига ўтмоқда. Шунинг айтиб ўтиш кераки, республикамиздаги "Дэу-Юни-тел", "Coscom", "Ўзмаком" ва "Бузтел" кўшма корхоналари мазкур стандартда иш юритиб келмоқда. "Ўздунробита" ҚК алоқа тармоқлари эса иккита стандарт — аналогли AMPS ва D-AMPS асосида фаолият олиб боришмоқда. Эндилкида бу компания учинчи — янги тармоқ стандартига эга бўлади.



А. КУДИНОВ

## ХАЙЪАТ ЙИГИЛИШИДА

Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлигининг хайъат йиғилиши бўлиб ўтди. Йиғилишни **Агентлик Бош директори А.ОРИПОВ** бошқарди. Унда қатор масалалар кўриб чиқилди.

Хайъатда "Республика худудларида уяли алоқанинг ривожланиши" мавзусида Агентлик Бош директори ўринбосари А. Избосаровнинг маърузаси тингланди. Маърузада республикамизда оптика уяли алоқа оператори мавқулини ва ушбу компанияларнинг абонентлари 147500 га етгани ташкилданди.

"Истеъмолчиларнинг почта ва телекоммуникациялар хизматларига бўлган ҳуқуқлари ҳимояси масалалари бўйича агентлик қарорларини амалга ошириш ва назоратини таъминлаш борисида Давлат алоқа инспекцияси томонидан олиб борилаётган ишлар" хусусида инспекция бошлигининг биринчи ўринбосари А. Гойипов маъруза қилди. Маърузачи Давлат алоқа инспекцияси томонидан жорий йилнинг беш ойи давомида режа-жад-

вал асосида 94 та текшириш ўтказилганилиги, шунга қарамай жойларда ҳамон камчиликларга йўл қўйилаётганилиги, истеъмолчиларнинг ҳақ-ҳуқуқларини тўлақонли ҳимоялаш учун республика миқёсида фуқаролар муурожаатларини марказлашган ҳолда қабул қилиш дастурини биргаликда ишлаб чиқиш ва амалга ошириш максалга мувофиқлиги ҳақида гапирди.

Шунингдек, хайъатда "Ўзбекистон Республикаси худудларида почта, магбуот тарқатиш ва телекоммуникация тармоқларининг техник воситалар ҳамда хизматларни тақдим этиш даражасининг янги меъърий кўрсаткичлари рўйхатини тасдиқлаш" бўйича "Ўзбектелеком" АК бош директори **Ҳ. Муҳитдинов**, "Магбуот тарқатувчи" акциядорлик компанияси бош директори **Р. Қосимов**, "Ўзбекистон почта-

си" ДАК бош директорининг биринчи ўринбосари **А. Хўжасв** ҳамда Давлат алоқа инспекцияси бошлигининг ўринбосари **Т. Бикметов**ларнинг ахборотлари тингланди.

"Фуқаролик ҳимояси ва фавақулда ҳаётларда аҳоли ҳамда худудни ҳимоялаш соҳасидаги чора-тадбирлар" тўғрисида Информацион хавфсизликни таъминлаш ва махсус ишлар бўлими бошлиғи ўринбосари **Н. Шораҳмедов** маъруза қилди. Маърузачи Агентлик таркибидagi корхона, ташкилот ва муассасаларда бу борада қатор ишлар олиб борилишига қарамай камчиликлар мавжуд эканлигига эътиборни қаратди.

Агентликнинг Бозор ислохотлари ва қимматли қоғозлар бўлими бошлиғи **М.Кожани** бўлим иш режасининг бажарилиши борисида ҳисобот берди.

Хайъатда қўрилган барча масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

И. АХМЕДОВ

"2002 йил — Қарияларни қадрлаш йили"

## САЁХАТ УЮШТИРИЛДИ

Андижон шаҳар телекоммуникация боғламаси биришган касабга уюшмаси кўмитаси томонидан "Қарияларни қадрлаш йили" дастури асосида уюштирилган хайрли тadbир муносабати билан корхонада меҳнат қилган эллик нафар фахрий вилотнинг сўлим гўшаларидан бири — Ширмонбулоқда икки кунлик саёхатда бўлдилар.

Бу ерда фахрийлар учун барча нарсга муҳайё қилинди. Улар шахмат-шашка, теннис ўйинлари ўзaro куч синашдилар, адири гўзаллигио шароҳарнинг мавжланлиб оқишидан заъқ олдилар. Барча мусоафго ҳаво, тиниқ ва соф булоқ сувидан баҳраманд бўлди. Шунингдек, улар тоғдаги "Илон пари" ва бир қанча тарихий обидаларни томоша қилдилар. **Ҳ. Қосимов**, **Т. Гаффоров**, **Ў. Иброҳимов**, **С. Ишболтаев** ҳамда **Ш. Маггозиёва** каби касабга уюшмаси фаолиятининг беминнат хизмати дам олувчилар кўнглини тоғдек кўтарди. Кекса алоқачилар ушбу тadbирга бош-қoш бўлиб, собиқ ҳамкасбларни дийдорлаштирган корхона биришган касабга уюшмаси кўмитаси раиси **А. Абдунабиев**ни алқаб дуо қилдилар.

Тадбирнинг кўнглили ўтишида вилот алоқа ходимлари биришган касабга уюшмаси кўмитаси раиси **П. Ҳошимов** ақндан ёрдам берган бўлса, Шаҳар телекоммуникация боғламаси маъмурияти дам олувчиларни автобус билан таъминлади.

**Р. УЗОҚОВ**, Андижон вилоти

## "ЎЗБЕКТЕЛЕКОМ": ЯКУН ВА РЕЖАЛАР

"Ўзбектелеком" акциядорлик компанияси акциядорларининг йиғилиши бўлиб ўтди. Уни **Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги Бош директори А. ОРИПОВ** олиб борди.

Йиғилишда "Ўзбектелеком" АК бош директори **Ҳ. Муҳитдинов**нинг "Компаниянинг 2001 йилдаги молиявий ҳўжалик фаолияти ва 2002 йилги асосий йўналишлари хусусида"ги маърузаси тингланди.

Маърузачи компанияда ўтган йили амалга оширилган ишлар юзасидан ҳисобот бериб, жумладан корхона 2001 йили 52,0 млрд. сўмлик даромад олгани ва 2,8 млрд. сўм фойлага эришгани, ходимларнинг ўртача ойлиги 35,9 минг сўмини ташкил этгани, корхона бўйича 25,66 минг рақамга

мўлжалланган электрон АТСлар фойдаланишига топширилгани, "Ўзбектелеком" АК қoшида "Интал Телеком" ШК ташкил этилгани каби масалаларга тўхталиб ўтди.

Шунингдек, йиғилишда кўриб чиқилган масалалар юзасидан Агентлик Бош директорининг ўринбосари ҳамда компания Кузатув кенашини раиси ўринбосари **А. Избосаров**, "Ўзбектелеком" АК бош директори ўринбосарлари **Т. Иминов**, **Р. Юнусов** ва компания бош ҳисобчиси **М. Бердибеков**лар сўзга чиқиди.

Йиғилиш сўнгида "Ўзбектелеком" АКнинг ўтган йили иш фаолиятига қoнқарили баҳо берилди. Келгуси режалар белгилаб олинди ва кун тартибидagi масалалар юзасидан қарорлар қабул қилинди.

Ўз мухбиримиз

## БОШЛИҚ

• Танқиддан сўнг

## ОГОҲЛАНТИРИЛДИ

"Хабар" газетасининг шу йил, 24 май, 21-сонида чоп этилган "Ўзгарши қачон бўлади?" сарлавҳали танқидий мақолада қайд қилинган муаммолар "Сурхондарё Телеком" шўба корхонаси томонидан атрофлича ўрганиб чиқилди.

Текширишлар шуни кўрсатдики, мақолада тилга олинган камчиликлар ҳақиқатдан ҳам мавжуд. Ушбу масалалар корхонанинг Қумкўрғон филиали жамоаси аъзолари йиғилишида кўриб чиқилиб, тегишли ишлар бажарилди. Жумладан, "Бенқаҳрамон", "Қумкўрғон" ва бошқа хўжаликлар худудидagi телефон симёғочлари ҳамда кабеллари қайта таъмирдан чиқарилди. Натижанда ушбу худудларда телефон алоқаси анча яхшиланди. Аҳдони телефон хизмати кўрсатиши сифатини ошириш борисида муҳандис-

техлик ходимлар график асосида иш олиб бормоқдалар. Барча алоқа йўналишлари бўйича махсус таъмирлан-тузатиш гуруҳлари ишлаб турилди. Шаҳарлараро "8" рақамли автомат телефоннинг улдуқсиз ишланиши алоҳида назоратга олинди. Шунингдек, туман алоқа филиали билимини таъмирлан режалантирилмоқда. Мавжуд камчиликларини 3-чорак давомида тўла тугатиш белгилаб олинди.

Йиғилишда туман филиали раҳбариятининг ўз вазифасига масъулият билан ёндолиши учун чора-лар белгиляни ҳамда йўл қўйилган камчиликлар учун қорқови бошлиғи **С. Хўжакеддиев** қаттиқ огоҳлантирилди.

**У. АШУРОВ**, "Сурхондарё Телеком" ШК бош директори

### ЭЛЕКТРОН ДАРСЛИК ЯРАТИШ МУАММОЛАРИ

Замонавий компьютер технологияларини Интернетга тасаввур этиш қийин. Интернет тармоқлари орқали компьютер технологиялари ангилликларини кузатиб бориш мумкин. Уз фикр-мулоҳаза ва таклифларимизни, олинган янгилликлар ҳамда фанлар буйича ўқитиладиган маъруза матнларини ўқувчиларга тез ва кулай шаклда етказишимизда электрон дарсликларнинг аҳамияти катта.

Электрон дарсликлар қобили турлича бўлиб, у муаллифнинг дунёқараши ва шу соҳадаги билими не чоғли чуқур эканлигига боғлиқ.

Маълумки, электрон дарсликларни ҳар хил муҳитларда (интеграллашган муҳит Delhi, HTML, Mse ва ҳоказо) тузиш мумкин. Улар нафақат дизайнлари, балки электрон дарслик файли ҳажми билан ҳам бир-биридан фарқ қилади. Ушбу дарсликлардан тармоқ орқали фойдаланишда унинг ҳажми муҳим рол ўйнайди. Шунинг ҳисобга олиб, уни HTML да яратиш тавсия этилади.

Биз яратган электрон дарсликнинг асосий саҳифаси уч қисм (фрейдлар)дан иборат.

Унинг чап кичик вертикал бўлаги мундарижа учун, ўнг катта бўлаги асосий маълумотларни тасвирлаш учун ажратилди. Иккинчи бўлакнинг юқори қисмида доимий маълумотлар (муаллиф ҳақида) жойлаштирилган. Барча қисмлар маълум бир фон орқали алоҳида шаклга келтирилди.

Мундарижа қисми икки ўлчамли анимациялар яратувчи дастурий таъминот Flahs 5 тизими элементлари ва режалари махсус тугмачалар шаклида ифодаланган.

Маълумки, Flahs 5 муҳитида яратилган анимацияларни экранда ҳаракатлантириш учун компьютер хотирасида Flahs Player хизматчи дастури мавжуд бўлиши керак. Аммо электрон дарслик саҳифалари Flahs 5 муҳити мавжуд компьютерларда анимациялар билан бойитилиб яратилса ва улар HTML форматига ўтказилса, ҳосил бўлган саҳифани Flahs Player дастури бўлмаган компьютерларда ҳам кўриш имконияти бўлади.

Мундарижа қисмидаги маълум бир тугма танланиб, сичқонча чап тугмаси босилса, ўнг катта ойнада унга мос келувчи матн ҳосил бўлади. Бу матнлар ҳам гиперматн, гипералоқда билан бойитилган.

Техника, математика ва иқтисодиётга оид фанлар матнлари турли хил график тасвир ва чизмаларга бой бўлади. Бу график тасвир ва чизмалари, уларнинг вақт бўйича ўзгаришларини, яъни анимацияларни ҳосил қилиш учун электрон дарслик саҳифасини Marle 6 тизими билан боғлаш керак. Чунки график тасвир, чизма ва уларнинг анимацияларини Marle 6 тизимида яратиш бошқа дастурларга нисбатан осон ҳамда ишончлироқдир. Marle 6 нинг икки ва уч ўлчамли анимацияларини gif кенгайтмалли файлда тасвирлаб, HTML саҳифаларида у билан гипералоқда ўрнатилса, Интернет шарҳловчиси Internet Explorer 5 да анимация ишла тушишни мумкин.

Юқорида кўрсатилганидек, яратилган электрон дарсликлар ҳам жиҳатидан кичик бўлиб, ўқувчиларга компьютернинг бой имкониятларини очиб, маърузалар матнини тезроқ ўзлаштиришга ёрдам беради.

**Искандар ТўРАҚУЛОВ,**  
СамДУ доценти, техника фанлари номзоди

### ● Орамиздаги одамлар

Менинг бир танишим бор. У билан ҳар кун бўлмас ҳам кунора мулоқотда бўламан. Ҳайрон қолман-у, биз “таниш”лар шу пайтгача ҳали бир-биримизга нисбатан яқин бўлмаганмиз. Дафлан, ўзаро рўйра келсакда, бир-биримизни таний олмаслигимиз табиий.

Хўп, ўша танишимни ким дурсин? У телефон улаш хизмати ҳолима-си — телефончи. Шаҳарлараро сўзлашув тармоғида ишлайди. Ҳар кун

касб маҳорати, тежоритни, ушбу тармоқнинг мижозлари билан ширинсухан муомаласи эъзага боқаришти десам хато бўлмайди. Касб-кори коммулатор ҳисобланган ҳолилар туманда айтилган тўрт нафар. Галина Қаландарова уларнинг бири.

— Улаш ускунасини Гулчеҳра опа-миз боққанган пайтда сўзлашувлар сони сезиларли ортади, — дейди Ҳай

## ҚАРЗДОРЛИК ТУЙҒУСИ

мен сингари ўйларча мижозга хизмат қилиб, ҳолатини чиқарай.

Сирасини айтганда, ушбу касб соҳиблари ҳар биримизнинг дилимизга яқин қилишлар бўлиб қолган. Улар орасида ўзининг ширинсуханлиги, оламхушлиги ва бошқа инсоний фазилатлари билан қилдилар қўлбилан яқинда чуқур жой олганлари ҳам талайгина. Шуллардан бири юқорида таъкидлаган “танишим”, яъни яқиндик Галина Қаландаровадир.

— Имомимиз камолки, Янги-Янгида Галина исми аёл борлигини қамдан-қам қилишларини билишди, — дейди “Хоразм Телеком” филиалининг туман бўлими қарилар хизмати нозир Замира Тоқиева. — Сабаби, унга деярли ҳамма Гулчеҳра опа дея муножабат қилади.

раг билан катта телефончи Барно Эмомова. — У ўз набағчилигида ўртача 90-100 мижозга хизмат кўрсатиб ўлгурапти. Устозимизнинг тежорити бошқа ҳамкасбларимизни ҳам шошириб қўяди. Ота сингари ишлай олиш ордун кичик жамсамизнинг қолган уч аъзоси — Шоҳиста Саидова, Гулбаҳор Собирова, Милоҳат Кенжабаева-лар ҳам касб маҳорати сари етаклапти.

Катта телефончи таъкидлаганидек, Г.Қаландарова ўзи билан бирга ишлайган барча қизларнинг устози. Шундан аёнки, уста телефончи ўз бурчининг хизмат касбасини адо этишдангина иборат деб билиётгани йўқ. Унинг табиатан камтарлиги, дилкаш ва овиқ қўнгиллиги наинки бошқа телефончилар қизлар, балки жамсамизнинг бошқа аъзолари учун ҳам бир ибрат бўлиб келтир.

Ўзбекистоннинг қалати табиати бор-ла, бир-икки дафъа кўрган-билган, дилига яқин тутан қили билан албатта апоқ-чапоқ бўлиб олади, дўст-биродарлар туғинади, ўз жияри санайди. Рўйроқ айтмоқ ўринлики, томирида украин қони оқётган Галинани Янги-Янгида ҳамма ўзбек деб билади. Негаки, Галина ўз тақдирини бир-бирга чамабармас болаган ўзбек йигити ва украин қизи зурриёди. Янги-Янгида тутилган, шу ерда ўсган, ўқиган, аллошларига хизмат қилишдек муътабар касбнинг устасига айланган, ўзбек йигитига турмушга чиқиб, бир бахтиёр онганинг арқоқини бекаси бўлган, умр йўлдошидан беватқ жуло бўлган эса тўрт нафар фарзандини бағрига олиб, уларни ҳам она, ҳам ота ўрнида тарбиялаган, ҳар бирини қўбилу қомил, эл қорига ярайилган қилиб юкта етказган аёл. Эндиликда барча янгиликларнинг Гулчеҳрасига айланган Галина тўққуз нафар неваранинг бувижониси.

— Кейинги йилларда замонавий компьютер теъвигаси шарофатдан телефончи аёлларнинг машаққатли меҳнати буткул барҳам топди десам муволажа бўлмас, — дея хикоя қилади туман телекоммуникация боғламаси раҳбари Қудрат Бекметов. — Аммо коммутатор хизмати бўйича режалани камайтиришга кўп ҳам шошилганганимиз йўқ. Нега деганда, Гулчеҳра опа сингари уста телефончиларимиз бор. Бўлимимиз аҳолига, илора ва ташкилотларга хизмат кўрсатиш режалани устоз телефончи опамизнинг

— Упан йили ҳаётимда ўзим қутмаган қувончли воқеа юз берди, — дейди биз билан суҳбатлашаркан Г.Қаландарова. — Энди уни фақат мен эмас, фарзанд ва невараларимнинг барчаси бир умр ҳушудлик билан эслаб юрсалар ажабмас. Мендек бир ошдий ишгари вилоятимиз алоқавилари раҳбари, раҳматли Маҳмуд ака Собиров шахсан ўзи қўнроқ қилишни қутмаганлигим. Катта раҳбарнинг ошдий хизматчини йўқлаши чиндан ҳам қувончли ҳол. У кўнроқдан Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг ўн йиллиги муносабати билан мамлакатимиз Президентини Имом Каримов Фармонига бинсан “Дўстлик” орденига сазовор бўлганлигини айтишгандаги бахтиёрлигимни оддий сўз билан айтиб беришмайман. Ўша муқофотни мамлакатимиз Конституцияси байрам асосида вилоятимиз ҳокими, Олий Мажлис депутати Ислам Бобоқонов қўлидан қабул қилиб олган оналар ҳаётимдаги унутулмас дақиқаларга айланган. Ана шу эътибор туғайли ҳам силқидилан ишлашга, кимнидир оғирини енгил қилишга доимо ўзимда куч топаман.

Г.Қаландарова меҳнатидан бахт топган аёл. Мижозлар ишонқи ва ҳурметига сазовор бўлган таъзимли алоқавиларнинг ишларида омад ёр бўлсин!

Абдулла СОБИРОВ, жамоатчи мухбиримиз

### КИШЛОҚ АЛОҚАЧИСИ

Зиёдулла Баротов тиниб-тинчимас алоқачи. У киши ёшлигидан одамларнинг ишончини қозонсам, улардан дуо олсам деб орзу қилар эди. Яхши ният — ярим мол экан. Қашқадарё вилояти, Дехқонobod туманига қарашли “Оқтош” алоқа бўлимини 20 йилдан бери бошқариб келатган З.Баротов ана шу эзгу ниятларнинг ижобатини кўрмоқда. Белибойли жамоа хўжалиги худудиде жойлашган битта қишлоқ касалхонаси, тўртта тиббиёт пункти, 8 та мактаб, 1500 хўжаликка ҳафталик ва кунлик хат, телеграмма, журнал ҳамда газеталарни тарқатишда З.Баротовнинг алоқачи ҳиссаси бор.

Ўз касбининг фидойиси бўлган бу заҳматқаш алоқачи 25 нафар II жаҳон уруши қатнашчиси, 117 нафар ногирон, 115 та боқувчисини йўқотган оила, 433 нафар меҳнат фахрийларига пенсия ва нафақаларни ўз вақтида етказиб беришда ҳам жонбозлик қилмоқда. Айни чоғда “Оқтош” алоқа бўлими яқинида яшовчи 100 ёшга тулган Эшдавлат бобо Мусуров, иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси, биринчи гуруҳ ногирони Оқат бобо Сафаровлар ҳолидан хабар олиб туради. Пенсия пулларини уйларига элтиб бериб, уларни хушнуд этади, кексалар билан эринмай суҳбатлашади. Дунё воқеаларидан отахонларни огоҳ этади.

З.Баротов ўзининг фидокорона меҳнати туғайли Агентликнинг “Фахрий ёрлиғи” ҳамда пул мукофоти билан тақдирланган.

**Абдурашул ХОНИМУЛОВ,**  
Қашқадарё вилояти



Тошкент шаҳарлараро телеграф-телефон станцияси халқаро коммутация цехининг буюртма орқали улаш мажмуаси раҳбари Л. БЕЛИЕВА навбатдаги мижоз талабини бажармоқда. Т. ЛУТФУЛЛАЕВ олган сурат

### ЭЪЛОН!

Ўзбекистон Республикаси қонунчилик ҳужжатларига асосан кирилл ёзувидан ўзбек тилига асосланган латин ёзувга ўтилиши муносабати билан “Алоқайнвест” ОАЖ номи “Aloqainvest” ОАЖ тарзида ёзиладиган бўлди.

\*\*\*

“Aloqainvest” ОАЖ умумий қарорига мувофиқ 2002 йил, 26 июндан бошлаб 2001 йил якунлари бўйича битта оддий ва имтиёзли акция учун 227 сўм 60 тийиндан дивиденд тўлана бошланганини маълум қилади.

Тошкент ахборот технологиялари университети жамоаси университетнинг “Фалсафа” кафедраси ассистенти М. Азизовага турмуш ўртоғи

**Ҳамидулло АЗИЗОВ**нинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

“Хоразм почтаси” АЖ ва “Хоразм Телеком” филиали ҳамда Шовот телекоммуникация боғламаси жамоалари боғлама бошлиғи С. Шержонова отаси

**Болтабол ШЕРЖОНОВ**нинг вафот этганлиги муносабати билан ҳамдардлик билдиради.

### ЭЛЕКТРОН ТЕЛЕВИДЕНИЕ МУЗЕЙИ

Тошкент электрон телевидение музейига бундан 25 йил муқаддам асос солинган эди. Музей чоррак аср мобайнида кўп қабатли экспонатларга эга бўлди, эски ва янги телевизион қурилмалар нусхалари билан бойилди.

Музейдан телевидение тараққиёти ҳақида хикоя қилувчи турли хил экспонатлар, “Зангори экран” техникаси ижодкорлари

бўлган таниқли олимлар, муҳандислар фотосуратлари ҳам ўрин олган. Унинг алоҳида бир экспозицияси телефото ва телевизион миниоралар макетларига бағишланган.

Музей қўйида “УртаОсиёЭнерготармоқлойд” активдорлик жамияти совага қилган радиотелефонларнинг яратилишига доир фотожўжатларга ҳам эга бўлди.

### ПОЧТА КОЛЛЕКЦИЯСИ АЛБОМИ

Ўтмиш дарчаси. Туркистон қадимги почта ойнахатларида деб номланган янги нашр босмадан чиқди. Албом кўринишида чоп этилган маскур тўпلامда почта алоқаси билан боғлиқ тарихий мавзулар ўрин олган. Фотосуратларда тасвирланган манзаралар Туркистоннинг яқин ўтмиши ҳақида хикоя қилади. Ҳар бир фотолаҳзага изохлар берилган.

Китоб-албомда уч мингдан ортиқ почта ойнахат намуналари ўрин олган. Улар Ўзбекистоннинг XX аср бошларидаги тарихини ўрганишда

бой манба бўлиб хизмат қилади. Бу ноёб экспонатлар тўплаганини таъйирлашда тошкентлик коллекционер, тарихчи олим Борис Голендернинг хизмати катта бўлди. Нашрда унинг шахсий архивида сақланган почта ойнахатлари тўплагича ўз ақсини топди.

Ўзбекистон Фанлар академияси академик Эвард Рувалдсе тахрири остида бу қизиқарли нашрнинг чоп этишда Ўзбекистон кўмак институти активдорлик жамияти ёрдам берди.

**А. АЛИЕВ таъйирлади**





ГЎЗАЛ МАЛИКАСИ

## АЯНЧЛИ ҚИСМАТИ

Дунёдаги энг узун, серсув Нил дарёси қирғоқларида жойлашган қўҳна Миср давлати инсоният тарихида муҳим ўрин тутди. Саънат, маданият, илм-фаннинг илк қаламжоси ҳам айнан шу даврда босилган. Қадим мисрликлар ўз подшоҳлари учун барпо қилган улкан эҳромлар ҳамон кўкка буй чўзиб турибди, ammo улар билан сирдош айрим хотиралар маъмулигича қолаётди.

Кўҳна Мисрнинг қудрати ва шон-шухратини оширишда унда ҳукмронлик қилган подшоҳлар — фиръавнларнинг ҳам хизмати беқисб. Қадимги тарих Миср фиръавнлари билан ёнма-ён туриб давлатни бошқарган айрим маликалар номини ҳам сақлаб қолган. Шундай маликалардан бири бундан уч ярим минг йил муқаддам яшаб ўтган Гўзал Нефертитидир.

Унинг ҳаёти Мисрнинг шавкатли, катта ўзгаришлар ва ислохотларга лиммо-лим даврига тўғри келган эди. Бу маликанинг ҳаётини тасаввур этиш учун унинг эри, Миср фиръавни Аменхотепнинг подшоҳлиги, юргизган сиёсати ҳақида тўхталышга тўғри келади.

Негаки, Нефертити ҳаёти ва фаолияти Аменхотеп билан боғлиқ бўлган. Тарихий манбаларда Аменхотеп тўғрисида маълумотлар кўп. Уларда айтилишича, фиръавн жула қаттиққўл ҳукмдор бўлган. Рақиблари ёки амрини бажармаганларни ўта шафқатсизлик билан жазолаган. Унинг ҳукмдорлиги даврида Мисрда катта сийёсий муаммолар мавжуд бўлиб, Миср фиръавнларининг Олд Осиеё ва Нубиёда олиб борган катта урушларида кўп сонли қўллар, сон-саноксиз бойликни қўлга киритган золонлар ҳокимият учун анчагина ташвиш келтирар эди. Айниқса, халқ оммасига катта талый кўрсатишга қодир бўлган олиёй тоифага мансуб қочқинлар давлатни бошқаришда ўз кучини намойиш қилишга интиларди. Маълумки, ўша даврда мисрликлар Амон маъбудасига сизингани бос Амон ибодатхонаси қочқинларининг давлатдаги мавқеи ўта баланд эди. Мисрликлар дунёдаги барча нарсалар худоник, фаровон-

лик, тўкин-сочинлик ёки қашшоқликлар, касаликлар ҳам худолан келди деб ишонар эди. Фиръавнлар ҳам ўзларини худонинг фарзанди деб биларди. Бир пайтлар иккинчи даражали бўлган Амон маъбудаси аста-секинлик билан мисрликлар эътиқодида биринчи ўринга кўтарилди. Одатда, Амон маъбудаси тож кийган инсон қиёфасида ёки кўнқор бошли олам кўринишида ифодаланарди. Бу маъбуданинг тасвири Мисрдан ташқари Юнонистонда ҳам кучли бўлган. Юнонлар Амон маъбудасини ўзларининг Зевс маъбудаси билан қиёслар эди. Шу сабабли ҳам юнон худоларидан унчалик кўнгил тўлмаган Искандар Зулқарнайн Мисрда келганида, ўзини Амон худосининг ўғли деб эълон қилган ва бошига икки шохли кўнқор кўринишидаги тож кийган. Ана шунинг натижасида Искандарнинг шохли бор деган ривоят пайдо бўлган.

Фиръавн Аменхотеп ўз даврида унча-мунча ҳукмдорнинг юраги белламайдиган ишга қўл урди. У Мисрда Амон худосига сизиниши тақдирга, унинг ўрнига ҳали кўпчиликда номаялум Атон худосига сизиниши жорий қилди. Бу билан Мисрда Амон худоси шарафига қурилган ибодатхоналар қочқинларининг давлат ва халққа кўрсатилган таъсирини йўқотиш кўзланган эди. Эрининг бу ишларини малика Нефертити қизини қўллаб-қувватлади, кўпгина ишларга бош-қош бўлди. Фиръавн Аменхотеп мавқени баланд кўтарган Атон худоси ўзида табиатнинг ҳаётбахш кучини муъассамлаштирган бўлиб, у нурлари атрофга таралиб турган қуёш кўринишида ифодаланарди. Мисрнинг йирик шаҳарларида янги худо учун ибодатхоналар барпо қилинди. Бу талбирлардан ҳам қоникмаган фиръавн Аменхотеп ўз номини Эхнатон деб ўзгартирди. Давлат пойтахтини бошқа жойга кўчириб, Атон худоси шарафига Ахетатон шаҳрини бунёд қилди.

Подшо янги шаҳарнинг ободончилиги борасида катта юмушларни адо этди. Бу ерда ҳашаматли саройлар, бинолар ва ибодатхоналар бунёд қилирди. Пойтахт Ахетатонда сав-

до-сотик, мусиқа, ҳайкатларошлик ва меъморчилик жула гуркираб ривожланди. Янги пойтахтда малика Нефертитининг мавқеи кўтарилди. Эри унга атаб дабдалали Атон ибодатхонасини барпо қилди. Маликанинг ҳашаматли кемаси сарой яқинидаги бандагҳода чайқалиб турар экан, халқ Нефертитини «Юқори ва кўйи Мисрнинг маликаси», «Икки мулк маликаси» дея шарафлар эди.

Олти қизни туғиб, тарбиялаётган, фиръавн Аменхотеп — Эхнатоннинг суюкли хотини бўлган малика Нефертити ўта бахтиёр эди. Аммо тақдир маликанинг бу тўқис бахтини кўп кўрди. Унинг учун ҳамма нарсага шай эри маликага бефарқ бўлиб қолди. Ичи қора рақиблар Нефертитини ҳар хил йўللар билан эрига ёмонлай бошлаганди. Айниқса, Амон худоси тарафдорларининг кўни туели — улар янги Атон худосини қизини тарбиб қилган Нефертитидан ўч олишга тушдилар. Фиръавн Эхнатон ёш, гўзал Нистага уйлангач, малика Нефертитининг саройдаги мавқеига путур этди. У саройдан четлатилди, ҳайкаллари, деворларга ишланган тасвирилари ҳам қўздан яширилди.


Нефертитининг кейинги тақдирини ҳақида тарихий манбаларда ишонарли маълумотлар йўқ. Уч ярим минг йиллар давомида асларнинг ўлик қанги тағида қолиб келган бу гўзал маликанинг номи мазийнинг ҳукми ила қайта тикланди. 1910-12 йиллари фиръавн Эхнатон барпо қилган янги пойтахт Ахетатон шаҳри қолдиқларини текшираётган немис қадимшунослари бу ерда қўздан-қўп ноёб топилмаларни қўлга киритдилар. Улар топилмаларнинг энг ноёбларини ажратиб, музейларга қўйиш учун Берлинга жўнатишди. Бу буюмлар орасида ҳеч бир жиҳати билан киши диққатини тортмайдиган, археологлар дава шароитига тозаланин иложини қилолмаган бир бўлак тош ҳам бор эди. Берлинда ушбу тош тозаланганида ҳамма ҳайратдан қотиб қолди. Бир неча минг йиллар мобайнида лой ва туپроққа қоришиб ётан бу тош малика Нефертитининг ҳайкали бўлиб чиқди. Шу тариқа инсоният фиръавн Эхнатоннинг хотини, малика Нефертитининг қиёфасини кўришга муъссар бўлди. Бизга номаялум бўлган моҳир Миср ҳайкатлароши томонидан ишланган бу улдувур ҳайкалда гўзал Нефертитининг қиёфаси абдиётта муҳрианиб қолгани.

И.ОМОНОВ тайёрлади

## ТАРИХ

## ГУЛААР ШОҲИ АТИРГУА

• Бу — қизиқ!




ФРАНЦИЯда атиргул шу қадар катта ҳурматга эга бўлганки, уни кўпайтириш учун ҳар қандай олмага ҳам рухсат берилмавермаган. Бундай нуфузга эга бўлган киши байрам кунлари шаҳар кенгашига атиргуллар келтириш мажбуриятини олган. XIV асрда Францияда галати урф пайло бўлган. Қироллик кенгаши олти руҳоний ва олти дунёвий одамдан иборат эди. Улардан қайси бирининг иши султа тушгудек бўлса, қироллик кенгашиларига атиргул тарқатиши аянгага айланган. Бунинг учун саройда ҳатто атиргул етказиб берувчи вазифа ҳам тайинланган. Лекин XVI асрга келиб кенгаш аъзолари ўртасида турии хусуматлар келиб чиқши бу одатта чек қўйган.

АНГЛИЯда атиргулни XIV асрга ҳеч қим билмаган. У пайдо бўлгач, тезла кўпчиликнинг назарига тушган. У бир-бирига хусуматда бўлган Йорк ҳамда Ланкастер хонадонларини ҳам ўз ҳусни билан лол қолдирган эди. Йорклар ўз гербига оқ атиргул, Ланкастерлар эса қизил атиргул шаклини ўрнатилган. Шунга кўра Англия тахти учун Эдуард Йорк ҳамда Генрих VI Ланкастерлар олиб борган уруш қизил ва оқ атиргуллар жағги ден аталади.

GERMANYАда атиргул ришарлар ўртасида яқмама-яқма курашга чақирши рамзи бўлган. Шунингдек, у аёллар томонидан ришарларга берилган туҳфа ҳам саналган. Бундай туҳфа муҳаббат тасвифи қабул қилинди, деган маънони аниқлаган. Бундан ташқари, юзие ёшартириш учун атиргул япроқларини яноқларга қўйишлар. Атиргул ёнгда пиширилган арилар дамламадан сочини ўстиришда фойдаланилган. Атиргул юзидеги шудринг йиғмаси кўз шамоллашини даволашда энг зўр восита саналган.

## КРОССВОРД



ЭНИГА: 5. Солиқ тури. 8. Америкадаги мамлакат пойтахти. 9. Буюк бобоклонимиз, ўзбек шеърятининг султони. 10. "Мушарат одоби" рисоласи муаллифи олима ул — ... 11. АҚШдаги штат. 13. "Темир хотин"даги бош қаҳрамон. 14. Рекламагаги тўйимлик, табиий, тоза маҳсулот. 15. Туркиядаги шаҳар. 16. "Кутлуг қон" романининг асосий қаҳрамони. 22. Ўзбек халқининг қаҳрамонлик достони. 24. Сирдарё вилоятидаги туман маркази. 26. Иморатбоп манзарали дароҳт. 27. Ҳам вилоят, ҳам шаҳар. 29. Ундан тайёрланган озиқ-овқат маҳсулоти. 31. Даврий нашрларга олинган ёнлиш. 33. Қўлда ип йигириш асосби. 36. Узоқ мудатли парвозга мўлжалланган фазовий станция. 37. Осиёдаги давлат пойтахти. 38. Европадаги мамлакат пойтахти. 39. С. Айнининг машҳур асари. 40. Икки бахир уммонни туташтирган Америкадаги канал. 41: Ўзбекистондаги сийёсий-ижтимоий партиялардан бири. 42. "Ўзбекфилм" маҳсулоти.

БҮЙИГА: 1. Ер шарининг белбоғи. 2. Осиёдаги тоғ. 3. Ўзбекистон — Туркия автомобил кўнма корхонасининг маҳсулоти. 4. Қашқарде вилоятидаги туман. 6. Маданий эмас. 7. Қадимги Миср ҳукмдори. 12. Сўз туркуми. 13. Ипак мато. 17. Европадаги миллат. 18. Осмон буржи. 19. Алишер Навоий тутилган шаҳар. 20. Чопон тури. 21. Чақоридлардан бири, халифа. 23. Рухсат, ижозат. 25. Мотам. 28. Сувла яшовчи йиртқич ҳайвон. 29. Ун икки йилда такорланадиган йил ҳисоби. 30. Тропик мева. 31. Инсоний қадр-қиммат, фазилат. 32. Марказий Осиёдаги дарё. 33. Россиядаги нефтчилар шаҳри. 34. Миттиқнинг елгага тираладиган қисми. 35. Саудия Арабистонидеги муқаллас тоғ.

Тузувчи: Исмоил МУСО

## ХАВОЛАЛАР

Янги турмушта чиққан қиз ойисига кўнғироқ қилди:  
— Ойижон, нима қилай, уйимизда шунақанги жанжал бўлди-ки... Даҳшат.  
— Ҳечқиси йўқ, қизим, хафа бўлма. Жанжаллар ҳамма оилада бўлиб туради.  
— Э... буну ўзим ҳам биламан, лекин мурдани нима қилай?  
\*\*\*  
Икки кампир сўхбатлашмоқда:  
— Биласаним, томоркамдан картошқаларимни қовлаб, ўғирлаб кетишибди.

— Бу талабаларнинг иши бўлса керак.  
— Қанақа талабалар, ахир ҳамма излар одамники-ку!  
\*\*\*  
Бир одам автомобил сотиб олган дўконига келиб:  
— Сиз менга автомобилни сотиб олаётган вақтинда "нимаси ишдан чиқса, бепул алмаштириб бераман" деб ваъда берганидингиз.  
— Албатта, марҳамат, марҳамат.  
— Унда менинг олти ташиямни, упта қовурғамни ва ўнг қўлоғимни туланг.

**МУАССИС:**  
Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги  
●  
Бош муҳаррир:  
Шодмон ОТАБЕК

**ТАХРИР ҲАЙЪАТИ:**  
Шомансур ОБИДУҲАЕВ,  
Шукрат ЖАББОР,  
Анатолий КУДИНОВ,  
Иззат АХМЕДОВ  
(Бош муҳаррир ўринбосари),  
Мирғўлат МИРЗО,  
Рустам ҚОСИМОВ

МАНЗИЛИМИЗ: 700000, Тошкент-35,  
А. Толстой кўчаси, 1.  
ТЕЛ: 136-36-42, 136-35-29,  
144-29-09.  
Факс: 136-36-42.  
**Habar@uzapt.uzpak.uz**  
ИНДЕКС: 64600  
Жума кунлари чиқади

Газета Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмисиде 00011 рақам билан рўйхатга олинган.  
Буюртма №Г-673.  
5434 нускада чоп этилди. Офсет усулида босилди. Бичими А-3, ҳажми 1 босма табақ.  
Газета тахририят компютер базасида терилди ва саҳифаланди.

«ШАРҚ» НАШРИЁТ-МАТБАА АКЦИЈАДОРЛИК КОМПАНИЈАСИ БОСМАХОНАСИ.  
Монаиси: Тошкент шаҳри, «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.  
Матн торуви: Д.МАТҚУРБОНОВА  
Саҳифаловчи: Ш.КИМСАНБОЕВ  
Босишга топширилди — 18.00  
Босишга топшириш вақти — 18.00